



Жахонгир ИНАЯТОВ,

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти таянч докторанти

E-mail: inayatov-jahongir89@mail.ru

ЎзМУ профессори, т.ф.д. Мавлонов У.М. тақризи асосида

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ДАВРИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ФОТОАППАРАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация

Мақолада бир қатор манба ва адабиётлардаги маълумотлар асосида жаҳон миқёсида фотография соҳасида рўй берган ўзгаришлар, фотоаппарат турлари, Россия империяси ҳудудида кашф қилинган дастлабки фотоаппаратлар, уларнинг хусусиятлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Россия империяси, фотография соҳаси, фотокамера, илмий изланишлар, фотоаппарат, Туркистон ўлкаси, дагерротип.

CAMERAS USED DURING THE RUSSIAN EMPIRE AND THEIR FEATURES

Abstract

The article analyzes the changes in the field of photography around the world, the types of cameras, the first cameras discovered in the territory of the Russian Empire, their characteristics, based on information from a number of sources and literature.

Keywords: Russian Empire, field of photography, camera, scientific research, camera, Turkestan region, photography, daguerrotype.

ФОТОАППАРАТЫ, ИСПОЛЬЗОВАВШИЕСЯ ВО ВРЕМЕНА РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ И ИХ ОСОБЕННОСТИ

Аннотация

В статье анализируются изменения в области фотографии во всем мире, типы фотоаппаратов, первые фотоаппараты, обнаруженные на территории Российской империи, их характеристики, на основе информации из ряда источников и литературы.

Ключевые слова: Российская империя, поле фотографии, фотоаппарат, научные исследования, фотоаппарат, Туркестанская область, фотография, дагерротип.

Кириш (Introduction). Тарихий ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатадики, айнан XIX асрнинг биринчи ярмига келиб, фотосурат сезилмайдиган тарзда ўзининг муқобил тараққиёт босқичини шакллантирди. Жаҳон фотосурат тарихини ривожланиши билан “Фотосурат цивилизацияси”га асос солинди десак хато қилмаган бўламиз. Ушбу цивилизациянинг ўзига хос томони шундаки, фотосуратнинг инсоният тарихини ёритишдаги ўзига хос усуллари ва механизмларни ишлаб чиқишда бу давр ўзига хос маъно-мазмун касб этди. Шуни таъкидлаш керакки, агар тарих соҳасидаги илмий тадқиқотларда фотосуратнинг тарихий воқеликларни ёритишдаги объектив имкониятларини ўрганишга алоҳида эътибор берилган бўлсада, уларда фотосурат тарихини ўрганишнинг назарий ва эмпирик асосларга эга бўлган тарихий далиллар ва концепцияларни бойитишдаги ўрни тарихнафис олимлар томонидан етарли даражада ёритилмаган. Бунинг сабаби шундаки, замонавий ижтимоий йўналтирилган ахборот маконида фотография алоҳида аҳамият касб этиши ва унинг ҳар бир халқ, миллат ёки элат тарихий тараққиёт даврларини ёритишдаги таъсирини ўрганишга доир илмий изланишларга кам эътибор берилмоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Дунёнинг тараққий этган давлатларида, хусусан, реал тарихий воқеликларнинг фототасвирий талқини Ўзбекистон тарихи билан боғлиқ фотосурат намуналаридан самарали фойдаланиш борасида АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Хитой ва Россияда олиб борилган тадқиқотлар натижалари мазкур тадқиқот учун ўзига хос методологик асос вазифасини ўтайди. Шундай қилиб, бутунги кунда

тарихий фотосуратларнинг назарий, услубий ва терминологик базасини яратиш, уни барча мавжуд фотографик материаллар орасида тарихий ҳақиқатни аниқлаш усуллари, тарихий воқеликларни ички таснифларни яратиш ва баъзи тарихий фотосуратларни танқидий таҳлил қилиш хусусиятларини аниқлаш долзарб бўлиб қолмоқда. Бу эса фотосуратга олиш вақтини ва технологиясини ҳисобга олган ҳолда тарихий фотосуратларни чуқур ўрганиш, уларни муҳим илмий тадқиқотлар учун ишлатиш имкониятларини кенгайтиради.

Тадқиқот методологияси. Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, киёсий-мантикий таҳлил, кетма-кетлик, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда жаҳон фотосурат тарихини ўрганишга доир илмий ёндашувлар эволюциясининг тарихий ва маданий хусусиятлари кўрсатилган.

Таҳлил ва натижалар. Фотосурат кашф этилгани (у вақтда дагерротип) ҳақида ахборот 1839 йил 7 январда Франция фанлар академиясида расман эълон қилинган. Чунки шу куни Франция Фанлар академиясининг йиғилишида физик Доминик Франсоас Араго кимёгар Луи Дагернинг иши тўғрисида маъруза қилди, натижада тасвирнинг изини (дагерротип) олиш усули ишлаб чиқилди [1]. Шу куни инсоният фотография даврига қадам қўйди. Дагерротип усули (дагерротип деб аталади) қумуш ёдиднинг нурланишига асосланган фотографик жараён эди. Амалда, у камерани обсекура билан тасвирни қумуш мис плитага проекциялашдан иборат бўлади. Олдиндан ёд бугида сақланадиган пластинка кейинги босқич сифатида симоб буги билан ишлов берилиши керак. Шундан сўнг, режалаштирилган объектнинг фотосурати олинади. Шу

тарзда олинган тасвирлар (дагуерреотиплар) замонавий фотосуратларга эмас, балки ойнадаги аксга ўхшайди. Уларнинг тасвири кумуш ва симобнинг ўзаро таъсири натижасида ҳосил бўлган амалламадан иборат, шунинг учун дагуерреотип кўпинча “хотира билан ойна” деб номланган. Кўриш пайтида пластинканинг ёруғлик манбаи томон бурилишига қараб, дагуерреотип ижобий ва салбий сифатида кўриниши мумкин. Бу ноқулайликни келтириб чиқаради, одатдаги отишни фақат маълум бир бурчакдан кўришга имкон беради, аммо шу билан бирга тасвир ҳақиқати ҳаёлийлигини яратади. Дагуерреотипларнинг репродукциялари уларнинг ташки қиёфасини кўрсатмасдан, уларнинг тасвири ҳақида фақат умумий тасаввур беради”[2].

Биринчи фотокамеранинг вазни 50 килограмм бўлган, плиталари $16,5 \times 21,5$ сантиметр бўлган. Бундан ташқари, бундай ускуналар жуда қиммат эди. Шу сабабли, Дагер ва унинг ҳамроҳи Нелсларнинг ихтиролари кенг омма мулкига айланиш имконияти йўқ эди. Франсуа Араго 1839 йил 7-январда бирданига иккита француз академиясининг (Фанлар академияси ва Тасвирий санъат академияси) йиғилишида дагуерреотип ҳақида ажойиб маъруза қилади. Ўз ҳисоботида Араго фотокамерадан фойдаланиш осон ва ҳар ким бундай фотосуратларни олиши мумкинлиги ҳақида фикр юритди. Бунинг учун озгина машқ қилиш кераклигини таъкидлайди. Шов-шувли маъруза бутун мамлакатга тарқалади ва ўша кунги биринчи дагуерреотип камера 25000 долларга сотилади. Арагонинг саъй-ҳаракатлари туфайли ўша 1839 йил ёзида янги технологияга бўлган барча ҳуқуқлар Франция ҳукумати томонидан сотиб олинади ва шу билан фотография жиҳозларини ишлаб чиқарувчиларнинг барча молиявий муаммолари ҳал қилинади. Ва шу билан бирга дагуерреотип жамоат мулкига айлантирилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, инсоният Доминик Франсуа Арагонинг ўз даври учун инқилобий технологияни ривожлантиришга қўшган ҳиссасини юқори баҳолади. Унинг исми Эйфел минорасининг биринчи қаватида жойлашган Франциянинг энг буюк олимлари рўйхатида киритилган. 1935 йилда IX Халқаро илмий ва амалий фотосуратлар конгрессининг қарори билан унинг маъруза қилган кунги (1839 йил 7 январ) фотосурат ихтиро қилинган кун деб аталади[3].

1841 йилда Исидор Ньепс ўзининг “Адолатсиз равишда дагуерротип деб номланганнинг очилиш тарихи” (“Historique de la decouverte inproprement nomme daguerreotype”) номли китобини ёзади[4]. Шу йилнинг ўзида геолог ва фотосурат тарихини ёзган олимлардан бири бўлган Роберт Хант “Фотосурат санъати бўйича машҳур трактат” (“A Popular Treatise on the Art of Photography”) номли фотосурат тарихи ва техникасига бағишланган китобини ёзган. Шундай қилиб XIX асрнинг иккинчи ярмида фотосурат тарихи илмий изланишлар марказидаги тадқиқот объектига айланди. Аммо бу йўналишдаги жиддий ва самарали тадқиқотлар XX аср ўрталаридан бошланган ва институционал асосга эга бўлган, деб айтсак тўғри бўлади. XX аср ўрталарига қадар бўлган фотосурат ҳақидаги назарий ва тарихий далиллар, унга нисбатан ҳукмрон кайфият ва унда юз берган ўзгаришлар ҳақида мулоҳаза юритишга кенг имкон беради.

XIX асрнинг иккинчи ярмида фотосуратнинг асосий ва муҳим жиҳати сифатида унинг воқеликни бевоқиф ва ҳолис қайта яратиш қобилияти билан алоҳида ажралиб турган. Фотосурат аввало тарихий ҳужжат, далилий ашё саналган. Шу боисдан ҳам фотосурат тарихининг дастлабки ўн йили “илмий, жамоавий ҳатто шахсий тараққиёт бошқарув ва ақлий фаолиятнинг барча

жабҳаларида тобора визуаллашиб бораётган ахборотга боғлиқ бўлиб бораётган”[5] бир даврга тўғри келди.

Рангли расм ишлашда амалий имкониятларни яратиш учун аниқ ва техника соҳаси олимларининг кўп вақти ва меҳнати керак бўлди. Бу олимлар орасида рус олимларининг ҳам алоҳида ўз ўрни бор. Рус олимларининг физика, кимё, электротехника, механика, математика ва бошқа бир қатор билим соҳаларидаги изчил кашфиёт ва ихтиролари фотографиянинг ривожланишида ва мукаммал камера конструкцияларини яратишда муҳим рол ўйнади.

Фотоаппарат яратиш соҳасида рус олимлари ихтиролари ва аппаратларнинг янги конструкцияларининг пайдо бўлиши бевоқифа, Россияда крепостнойлик ҳуқуқининг бекор қилиниши ҳамда капитализмнинг ривожланиши билан боғлиқ эди. Ушбу ижтимоий жараёнлар фаннинг барча соҳаларида ихтиролар ва кашфиётлар қилиниши учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. XIX асрнинг сўнгги чорагини ҳақли равишда, кўп сонли ихтиролар ва фотоаппаратларнинг янги дизайни пайдо бўлиши туфайли, фотография соҳасидаги “ихтиролар асри” деб номлаш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўша даврда ихтиро қилинган кўплаб фотоаппарат дизайнлари фан ва техниканинг бошқа соҳалари учун қатта амалий аҳамиятга эга бўлиб, фотоаппаратлар соҳасидаги ихтиролар рус ихтирочи олимларининг фаолиятлари билан ҳамбарчас боғлиқ эди. Шу ўринда айтиш керак XIX асрнинг ўрталаридан Россия империясида икки турдаги (калотип ва дагуерротип) фотография қурилмаларидан фойдаланилган[6].

Россия империяси даврида фотография соҳасининг ривожланишида дастлабки профессионал фотографлардан бири ҳисобланган Сергей Левитский ишлари алоҳида аҳамиятга эга. У Россия империясида биринчи фотостудиялардан бирини ҳам ташкил қилган.

С.Левитский техник ҳаракатдан фотосуратни бадий жараёнга айлантирди, портрет кадрларини яратиш учун турли фон ёки чиройли интерерлардан фойдаланган ҳолда, моделнинг туриши ва унинг юз ифодалари каби тафсилотларга эътибор берди. Шунингдек, у биринчи бўлиб расмда пайдо бўлган негативларни ва бошқа камчиликларни бартараф қилишни ўрганди. Натижада, унинг фотосуратлари оддий суратлардан янги ривожланаётган санъат мавзусига айланди.

Истеъдодли дизайнер Д.П.Езучевскийнинг тезкор суратга олиш қурилмаси (фотоаппарат) бўлиб, у географлар ва илмий тадқиқотчилар учун мўлжалланган эди. Бу борада Д.П.Езучевский саёҳат ва репортажлар учун портатив фотокамерани яратишда бошқа хорижий мамлакатлар ихтирочи олимларидан бир қадам олдинда эди. У бир неча марта тезкор фотоаппаратлар томонидан суратга олинган асарларнинг Россия ва халқаро кўргазмаларида иштирок этган. Масалан, Венециядаги географик жамяят фотокўргазмаларида бир неча бор иштирок этиб қатор мукофотларга сазовор бўлган. Фотоаппарат ихтиросидаги таникли олимлардан бири В.И.Срезневский рус географик жамятининг аъзоси Н.М.Пржевальскийнинг Тибетга қилган илмий экспедицияси учун махсус фотоаппарат ишлаб чиққан[7].

Подполковник И.И.Филипенко томонидан 1885 йилда ишлаб чиқилган “кўчма фотография қурилмаси” геодезия ишлари учун мўлжалланган эди. Саёҳатга мўлжалланган фотолабораториянинг пайдо бўлиши дала ҳудудларида тадқиқот олиб бориш ишларини янада ривожланишига замин яратди. Кейинчалик парда тирқиш номини олган географик “пластинка билан затвор” рус фотографи С.А.Юрковский томонидан ихтиро қилинган. Бу лаҳзали суратга олиш муаммосига мукаммал

ечимлардан бири бўлиб, у ҳаракат вақтида бир зумда суратга олиш учун янги имкониятлар яратди.

Биринчи жаҳон уруши йилларида аэрофото суратга олиш разведка воситаларидан бири сифатида сезиларли ривожланишга эришди. Бу вақтда рус олими С.А.Улянин фокус масофаси бир метр бўлган разведка фотоаппарати ва телекамерасини яратди. Россиялик полковник В.Потте томонидан ихтиро қилинган ярим автоматик аэрофото камерани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ушбу ихтиро дунёда биринчи марта суратга олиш учун узун метrajли плёнкадан фойдаланиб, самолётдан турган ҳолда йўналиш ва ҳудудни суратга олиш муаммосини ҳал қилди. С.А.Улянин, В.Поттенинг аэрофотоаппаратлари рус армияси томонидан кенг миқёсда фойдаланилган.

Бироқ, техника ва фотоаппаратлар соҳасида қилинган ихтиролар подшо Россиясининг зодагон-бюрократик ҳукумат томонидан ҳар доим ҳам моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб қувватланмаган. Маҳаллий саноатнинг ривожланишига тўсқинлик қилган подшо Россиясининг ҳукмрон доиралари кўпроқ эътиборни хорижий чорвачилик маҳсулотларни олиб келишга қаратганлар. Саноатга масъул амалдорларнинг бундай реакция сиёсати XIX асрнинг 80-йиллар бошларида

чорвачилик, асбоб-ускуналар ва фотоаппарат эҳтиёт қисмлари савдоси бутунлай чет эл фирмалари қўлида бўлишига олиб келган. Хорижий фирмаларнинг тадбиркор агентлари ва Л.Варнерке каби қувғинда юрган рус фуқаролари бир қанча рус олимлари ихтироларини турли йўллар билан қўлга киритиб, уларни ўз фирмаси номи билан муаллифлик ҳуқуқини бўзган ҳолда Россияга олиб келиб сотганлар[8].

Фотокамера ихтиро қилинганидан кўп ўтмай, унинг “мўъжизаси” Туркистон ўлкаси тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Бу ҳудудда фотосурат биринчи марта XIX асрнинг ўрталарида П.П. Семенов бошчилигидаги экспедиция томонидан ишлатилган.

Хулоса ва таклифлар. Умуман олганда, Россия империяси даврида бир қатор олимлар фотоаппаратлар яратиш борасида жиддий изланишларни олиб боришди. Натижада Ғарб мамлакатларида қўлланиб келинган фотоаппаратлар намунаси асосида дастлабки рус фотоаппаратлари ишлаб чиқилди. Туркистон ўлкасини илмий ўрганиш, ўлкага хорижлик сайёҳлар келиши ва бошқа омиллар натижасида дастлабки фотоаппаратлар, умуман соҳа билан боғлиқ кўплаб ўзгаришлар кириб келди.

АДАБИЁТЛАР

1. Раскин Н. Жозеф Нисефор Ньепс, Луи Жак Манде Дагерр, Вильям Генри Фокс Талбот. - Л. Изд-во Наука, 1967. - С. 192.
2. Беньямин В. Краткая история фотографии / Сергей Ромашко. - М.: «Ад Маргинем Пресс», 2015. - С. 168.
3. <https://eadaily.com/ru/news/2018/01/07/etot-den-v-istorii-1839-god-doklad-arago-den-izobreteniya-fotografii>.
4. Буринский В.Ф. Луи Дагер и Жозеф Ньепс: их жизнь и открытия в связи с историей развития фотографии. - М-Берлин Директ-Медиа 2016. - С. 114.
5. Мишель Фризо. Новая история фотографии (Nouvelle Histoire de la Photographie) / А.Г.Наследников, Шестаков А.В.. - Спб.: Machina, 2008. - С. 337.
6. <https://zen.yandex.ru> (мурожаат қилинган сана 14.02.2022.).
7. Сыров А. Первые русские фотоаппараты. - Москва: Госкиноиздат, 1951. - С. 5.
8. Сыров А. Первые русские фотоаппараты... - С. 5.